*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

# Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини индексациялаш тўғрисида

Нархларнинг эркинлашуви шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари, ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,2 баравар индексация қилинсин.

2. 1999 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1320 сўм;

ёшга доир пенсия — ойига 2520 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойига 1320 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 1320 сўм;

болаликдан ногиронларга нафақа — ойига 2520 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 1530 сўм миқдорида белгилансин.

3. Энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, оналарга фарзанди икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш учун бериладиган, болали оилаларга бериладиган нафақалар ва бошқа тўловлар 1999 йил 1 январдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, бюджетдан молиявий таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг индексация қилиниши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган базавий фонди миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ индексациялашни амалга оширсинлар.

7. 1998 йил 9 июндаги ПФ-2009-сон Фармон, 8-бандидан ташқари, ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 ноябрь.

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1998 йил 26 ноябрь, пайшанба ● № 141 (24.378).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

# 1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, Фанлар академияси уруғчиликни юритиш, пахта навларини жойлаштириш ва янгилаш ишида жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Пахтанинг рўйхатдан ўтказилган кўплаб турлари республиканинг турли минтақалари табиий-иқлим шароитларига жавоб бермайди, кам тола беради, вилтга ҳамда бошқа касалликлар ва зараркунандаларга чидамли эмас, толанинг технологик хоссаларига кўра халқаро андозаларга жавоб бермайди.

Ўзбекистон шарт-шароитларида экиладиган чигитларга қўйиладиган муҳим талаблардан бирига — уларнинг тезпишарлигига амалда аҳамият берилмаяпти.

Барқарор навни яратишдан бошлаб уни республиканинг аниқ минтақаларида тупроқ иқлим шароитларига татбиқан жойлаштиришгача бўлган муддатлар орасидаги давр катталигича қолмоқда.

Генетика, селекция ва уруғчилик соҳасида илмий муассасалар фаолияти суст мувофиқлаштирилмоқда. Селекциячилар ва элита-уруғчилик хўжаликлари ходимларини иқтисодий рағбатлантириш тизимидан фойдаланилмаётибди. Селекция ва уруғчилик бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари паст даражада олиб борилмоқда.

Янги навларни яратишда ва ишлаб чиқаришда хорижий селекциянинг энг яхши навларидан амалда фойдаланилмаётибди. Пахта етиштиришнинг нав технологиясига риоя қилинмаётибди. Тезпишар навлар уруғларининг етарлича суғурта фонди яратилмаётибди, натижада қайта экишда кўп ҳолларда сифатсиз техник чигитдан фойдаланилмоқда.

Пахта тозалаш заводларида пахта хомашёсини қайта ишлашда ва уруғлик чигитни тайёрлашда навлар ва репродукциялар аралаштириб юборилишига йўл қўйилмоқда, уруғлик пахтани тозалаш режимига риоя қилинмаётибди. Дорилаш-туксизлантириш цехлари асбоб-ускуналарининг техник даражаси паст, бу экиладиган чигит сифати пасайишига олиб келмоқда.

Уруғчилик тизими зарур тарзда тартибга солинмаган, бу соҳада бозор муносабатларига ўтилмаган. «Уруғчилик тўғрисида» ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунлар талабларига риоя қилинмаётибди. Уруғчилик соҳасида ишлаб чиқариш ва фанни кооперациялаш йўлга қўйилмаган.

Минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, юқори сифатли тола параметрларига эга бўлган халқаро талабларга жавоб берадиган пахтанинг тезпишар, юқори ҳосилли, янги ва истиқболли навларини оқилона жойлаштириш, навларини янгилаш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш ва 1999-2000 йиллар ҳосили учун пахта экишга талаб қилинадиган уруғлик фондини тайёрлаш, шунингдек пахта уруғчилигини ташкил этишни тубдан яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қ а р о р қ и л а д и:**

1. Селекция, уруғчилик, навларни янгилаш, пахтанинг тола сифати юқори бўлган янги тезпишар навларини жорий этиш ва уларни мамлакатнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида оқилона жойлаштириш соҳасидаги ишларни ҳар томонлама такомиллаштириш ва жадаллаштириш устувор давлат вазифаси ҳисоблансин.

Вилоятлар, туманлар ва хўжаликларнинг кўплаб раҳбарларининг, агросаноат комплекси мансабдор шахсларининг ўз масъулиятсизлигини, ишни ташкил этишдаги уқувсизлигини, агротехникани қўпол равишда бузишларни ноқулай об-ҳаво шароитларига ағдариш каби кенг ёйилган амалиёти қоралансин.

Пахта етиштириш ва уни парвариш қилишнинг илмий асосланган технологиясига қатъий риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, хўжаликлар раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига:

селекция ва уруғчилик соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, уруғчилик, пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш масалаларида барча манфаатдор муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

рўйхатдан ўтказилган ва истиқболли навларни янгилаш ва уларни жойлаштириш бўйича йиллик режаларни ишлаб чиқиш;

пахтанинг янги навларини рўйхатдан ўтказишга доир таклифларни янги навларнинг энг аввало тезпишарлик ва тола сифати кўрсаткичлари эксперт баҳолангандан кейин ҳар йили Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатида кўриб чиқиш;

чигит ишлаб чиқариш ҳажмларини, уларнинг икки йиллик заҳирасини яратишни ҳисобга олган ҳолда белгилаш, уруғлик тайёрлаш, унга ишлов бериш ва тайёрлаш бўйича буюртмани ижрочиларгача етказиш;

чигитни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, тозалаш, навларга ажратиш, калибрлаш, сертификациялаш, қоплаш, сақлаш ва сотишни ташкил этиш, шунингдек уруғлик материал навининг софлиги ва кондицияси таъминланиши устидан назоратни амалга ошириш;

мулкчилик шаклларидан, хўжалик юритиш усулларидан ва идоравий бўйсунишдан қатъи назар бирламчи, элита, оммавий уруғчилик ва чигитни қайта ишлаш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

уруғчилик хақидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва тузатишлар тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

Қишлоқ хўжалиги экинларининг нав синови бўйича давлат комиссияси, «Ўздавуруғназоратмаркази», Ўзбекистон бирламчи уруғчилик станцияси фаолиятини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш юклансин.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг штатдаги ходимлари сони доирасида мустақил юридик шахс ҳуқуқига, Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган Республика пахта уруғчилиги бошқармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган 1999-2000 йилларда пахтанинг рўйхатдан ўтказилган ва истиқболли навларини жойлаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

Суғурта ва заҳира уруғлик фонди яратиш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар иштирокида юқори навли пахта хомашёсини комиссия иштирокида банд қилиб қўйишга рухсат берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

хўжаликларда фақат битта нав, туманларда иккитадан ва вилоятларда 4 тадан кўп бўлмаган рўйхатдан ўтказилган ва учта истиқболли пахта навлари экиладиган бир шароитда пахта навини янгилаш ва жойлаштиришнинг белгиланган тартибига қатъий риоя қилинишини таъминласинлар. Хўжаликлар, туманлар ва вилоятлар раҳбарларининг эътибори ушбу тартиб бузилган тақдирда уларга нисбатан республика қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилишига қаратилсин;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хатти-ҳаракатлари пахта нави аралашиб кетишига, навларни районлаштириш дастурида назарда тутилмаган навлар экилишига олиб келувчи хўжаликлар раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

элита ва биринчи репродукцияли чигит етиштирувчи элита-уруғчилик хўжаликлари ишини алоҳида назорат остига олсинлар. Пахтанинг янги ва истиқболли навларини синашни илмий-текшириш институтларининг экспериментал базаларида, базавий хўжаликларда ва ҳудудида нав синаш участкалари жойлашган хўжаликларда ўтказсинлар.

Юқори сифатли, генетик жиҳатдан бир хил экиш материали олиш, шунингдек ғўзанинг эркин ўсиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида элита чигитни ва уруғлик учун чигитни плёнка остига экиш тақиқлансин, уруғлик чигит етиштиришнинг илмий асосланган технологиясига қатъий риоя қилинсин.

1998 йилдаги давлат синовлари натижалари бўйича кечпишар навлар бир ой муддатда давлат Реестридан чиқарилсин ва реестрга янги тезпишар пахта навлари киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Пахтасаноат» республика илмий маркази:

пахта тозалаш заводларини экиладиган чигитларни тайёрлашга ихтисослаштирсинлар;

1999 йил 1 мартгача уруғлик пахтани тозалашни тугалласинлар ва экиладиган чигитни навларга ажратиш, туксизлантириш, калибрлаш ва марказлаштирилган ҳолда дорилашни таъминласинлар;

экиладиган чигитнинг белгиланган муддатларда вилоятлараро етказиб берилишини амалга оширсинлар;

келгуси йил фондида қоладиган чигитнинг сақланиши ва сифати устидан назоратни кучайтирсинлар;

1999 йил ҳосилидан бошлаб 2000 йилда экиш учун чигитнинг янги юқори ҳосилли тезпишар ва истиқболли навлари тайёрланишига биринчи даражали аҳамият берсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Фанлар академияси томонидан тақдим этилган янги ва истиқболли навларни фабрика синовидан ўтказиш ташкил этилишини таъминласинлар.

6. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси (Юсупбеков), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (Ғаниев):

пахта тозалаш заводларига чигитни дориловчи воситаларнинг зарур миқдорларда ва белгиланган муддатларда етказиб берилишини таъминласинлар;

озиқлантирувчи моддалар нисбатига қатъий риоя қилган ҳолда азотли, фосфорли ва калийли ўғитларни биринчи навбатда илмий муассасаларнинг экспериментал хўжаликларига ва элита-уруғчилик хўжаликларига ҳамда товар пахта етиштирувчи хўжаликлар учун белгиланган нормадан 10 фоиз ортиқ миқдорда етказиб берсинлар.

7. Пахтанинг тезпишар навларининг юқори сифатли чигитини етиштириш ҳажмлари элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-текшириш муассасалари ва уларнинг экспериментал базалари («Пахта» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Пахта селекция ва уруғчилиги» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси институти), янги ва рўйхатдан ўтказилган навлар бўйича уруғчилик хўжаликлари фаолиятининг асосий кўрсаткичи деб ҳисоблансин.

Рўйхатдан ўтказилган навлар чигити етиштириш бўйича элита-уруғчилик хўжаликлари рўйхати ва янги ташкил этиладиган элита-уруғчилик хўжаликлари рўйхати тасдиқлансин.

8. 1999 йил ҳосилидан бошлаб чигит етиштирувчи илмий муассасалар ва хўжаликларни рағбатлантириш тартибида уруғлик чигит унувчанликнинг биринчи классига мувофиқ бўлганда элита уруғлик учун пахта хом ашёси қийматининг 100 фоизи, биринчи репродукцияли уруғлик учун — 75 фоизи, иккинчи репродукцияли уруғлик учун — 50 фоизи, учинчи репродукцияли уруғлик учун — 25 фоизи миқдорида устама белгилансин. Уруғлик унувчанликнинг иккинчи классига мансуб деб топилганда устама тегишли равишда икки бараварга камаяди.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиётстат вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси бир ой муддатда:

навларнинг оригинаторлари бўлган илмий муассасалар ва бевосита уруғлик етиштирувчиларнинг ҳар бирининг уруғчиликни ташкил этиш ва юритиш ишига қўшган улушини ҳисобга олган ҳолда навли уруғлик учун устамалар тўлаш ва улар ўртасида тақсимлаш механизмини ишлаб чиқсинлар;

уруғлик учун уларнинг сифати узил-кесил текшириб чиқиш натижалари «Ўздавуруғназоратмаркази» томонидан тасдиқлангандан сўнг ҳақ тўласинлар;

селекциячиларни, уруғчиларни рағбатлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсинлар ва киритсинлар.

9. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, навларнинг оригинаторлари бўлган илмий муассасалар элита-уруғчилик хўжаликлари, пахта тозалаш заводлари, уруғчилик корпорациялари, ширкатлар ва бошқа тузилмалар билан биргаликда шартнома асосида элита уруғларнинг генетик жиҳатдан соф навлари етиштирилиши устидан назоратни таъминласинлар.

10. Қишлоқ хўжалиги экинларининг нав синови давлат комиссияси хорижий селекциянинг карантин текширувидан ўтган ва тезпишарлик талабларига жавоб берувчи энг яхши навларининг, шу жумладан Исроилнинг «Гедера-5» ва «Гедера-10» навларининг ҳамда бошқа навларнинг жадаллаштирилган синовларини ўтказсинлар ҳамда уларни кенг экиш учун ёйиш имкониятларини ўрганиб чиқсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Исроилнинг кўрсатиб ўтилган пахта навларини Исроил технологияси бўйича Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг ҳар бирида тегишли равишда 100 гектар ерда тажриба сифатида етиштириш юзасидан Исроил фирмалари билан контрактлар имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ватанимиз селекциясининг патентлар билан ҳимояланган чигит навлари оригинаторлари бўлган илмий муассасаларга ушбу навлардан хорижий мамлакатларда фойдаланиш бўйича чет эллик ҳамкорлар билан лицензия шартномалари тузишга рухсат берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат илмий-техника ва инновация дастурларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқсинлар ва уларга тузатишлар киритсинлар, генетика, селекция ва уруғчилик масалалари билан шуғулланувчи илмий муассасалар саъй-ҳаракатларини 1999-2000 йилларда толасининг сифати юқори, жаҳон бозори талабларига жавоб берувчи тезпишар, юқори ҳосилли, касалликлар, зараркунандалар ва экстремал шароитларга чидамли навлар яратиш учун юқори самарали усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга жамласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда:

Республика пахта уруғчилиги бошқармасини ва унинг вилоят бирлашмаларини кадрлар билан тўлдирсинлар, бинолар, алоқа воситалари ва автотранспорт билан таъминласинлар;

Вазирлик ҳузуридаги Республика пахта уруғчилиги бошқармаси тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

***Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 ноябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## С. Р. Иноғомовни Ўзбекистон Республикасининг Мисрдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Солиҳ Раҳимжонович Иноғомов Ўзбекистон Республикасининг Мисрдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 ноябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## С. Р. Иноғомовга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Солиҳ Раҳимжонович Иноғомовга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилсин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 ноябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## С. Р. Иноғомовни Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Солиҳ Раҳимжонович Иноғомов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасидан озод қилинсин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 ноябрь.





***Айни кунларда «Қаршиқурилишсаноат» бирлашмасига қарашли 2-темир-бетон буюмлари заводида 82 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Мазкур завод жамоаси тайёрлаётган маҳсулотлар Шўртан кимё мажмуи қурилишларида, айниқса, қўл келаяпти. Мажмуада олиб борилаётган қурилиш объектларида заводда тайёрланган ўндан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлатилмоқда.***

***Заводда, асосан, турар-жой бинолари учун ёпма плиталар, пойдевор блоклари, сув йўллари учун лотоклар тайёрланади. Шунингдек, кўплаб халқ истеъмол товарлари ҳам аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун етказиб берилмоқда. Айни пайтда бу ерда 300 дан ортиқ ишчи-мутахассислар хизмат қилмоқда.***

**<u>Суратларда:</u> 1. (чапдан) заводнинг кран ҳайдовчилари Мастура Султонова, Зулхумор Бобоева ва Жамила Йўлдошева.**

**2. Истеъмолчиларга жўнатишга шайлаб қўйилган маҳсулотлар.**

***Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар***

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

## «Безор бўлдик»

Сирдарё вилояти ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 17 октябрь сонида чоп этилган «Безор бўлдик» сарлавҳали мақолани мутасадди ташкилот раҳбарлари ва «Янги ҳаёт» маҳалла қўмитаси оқсоқоли Э. Холбеков иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам 10.09.98 йил соат $19.^{00}$дан $19.^{45}$гача Гулистон шаҳри «Янги ҳаёт» маҳалласига қарашли Аноров, Увайсий, Олчазор, Турсунзода ва Самарқанд кўчаларида электр энергияси бўлмаган. Катта кучланишли электр тармоқларидаги изоляторни номаълум шахслар томонидан уриб синдирилганлиги аниқланди. Электр тармоқлари корхонаси тезлик билан — 45 минут ичида бу камчиликларни бартараф қилган ва электр энергияси истеъмолчиларга берилган.

Кейинги ўчишларнинг олдини олиш учун шаҳар электр тармоқлари корхонаси томонидан шу кўчаларни электр энергияси билан таъминловчи 311, 447, 356-рақамли нимстанцияларни ҳамда 0,4 кВ электр ҳаво тармоқлари кўрикдан ўтказилиб, тегишли таъмирлаш ишлари бажарилди ва узлуксиз ишлашини таъминлаш чоралари кўрилди.

***Вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. ТЎРАБЕКОВ***

*Фельетон ўрнида*

# АЗОБ

Уч кундирки, Лутфиевнинг авзойи бузуқ, чироқ ёқса ҳам кўнгли ёришмайди. Ўтган уч кун у учун уч йил қамоқ азобидек суяк-суягига сингигандек гўё. Қизиқ, маҳбуслар сонияларни қандай ўтказишаркан-а? Билмайди, илгари уйига меҳмондек келиб кетгани учун ҳам қишлоқда — аниқроғи маҳалла-куйда нима гап — пайқамасди. Саҳар мардонда туриб, старшиналик либосини кияр, қўлига дастаси хўрдаланган ола таёғини олиб кўчага отланар, уйига эса тун оққанда келарди. Бугун тан олади — ишга берилгани — келди замон, сур даврон боис баъзан фарзандларининг исмини ҳам унутарди. Мактабга — ота-оналар йиғилишига, кўчасидаги тўй-таъзияга боришга вақт тополмасди. Нега, ахир?!

Хотини Раҳимахон эса рўзғор бутланиб бораётанлигидан терисига сиғмасди. Қўли уч-тўрт танга кўргани, эгни ҳар хил ялтир-юлтурга ёлчигани учун ҳам тарбиячиликни бир чеккага суриб қўйганди. Фақат аҳён-аҳёнда юраги санчиб қолар, ваҳима босарди. Шунда ҳам эрига зорлангандек тикилиб, уни ишга кузатаркан, яратганга илтижо қиларди:

— Эй яратган эгам, ўзинг шарманда қилма, бу ожиз бандангни! Ахир, у ҳам болачақа деб ором билмайдику?!

Хотиннинг ҳам бугун томоғидан сув ўтмайди, дарвозага қарайди — кўнгил сўраб келувчи дўстлари йўқми эрининг? Сўраболдига разм солади, анча сўлиган, кўзлари киртайибди бояқишнинг. Ўзининг туманида ишламагани шуда! Бошқа юртнинг шоҳи бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл, деб бежиз айтилмаган экан.

Сўраболди ҳавонинг очилгани, дили эса хуфтонлигича турганига ҳайрон ҳолда айвон томон юрди: озгина эскирган енгил машинаси, маъраётган моллари савил қолаётгандек, совуқ кўринди кўзига. Худди эрта-индин ўладигандек. Шу пайт кимдир чақирди.

— Ака Лутфиев!

Сўраболдининг карнайдек гавдаси қалқиб кетди, шапалоқдек қулоқлари диккайганича, дарвоза томон ҳафсаласиз юрди. Бугун умрида биринчи бор уни қишлоқдан кимдир йўқлаб келганига ичидан қувонарди. Аммо...

— Ғани ота оламдан ўтдилар, соат ўн иккиларда чиқариладилар, — деди қора чопон устидан белбоғ тортиб олган йигит ва шундай деганича хомушгина ортига қайтди.

Лутфиев боя ўз ўлимини ўйлаганини шу шум хабарга йўйди ўзича, чолни эслади. Ғани ота Тезгузарнинг чапани чолларидан бўлиб, кези келса ҳеч кимни аямасди. Чол Сўраболдига ҳам насиҳат, ҳам танбеҳ берган пайтлари бўлган. Чунки, старшинанинг уйини сўраб келувчилар кўп бўлиб, улар кўпинча ана шу чолга дуч келишар. Бири пишган ғишт, иккинчиси мол хашак, учинчиси қути кўтариб келарди. Бу ҳол кунора бўлсаям майлия, аммо ҳар соатда такрорланарди.

Қаранг, бобой фаришта экан, айтгани бўлди, аттестациядан ўтолмади. Буни ҳам ўзи ўйлаб топди, аслида ДАН бошлиғи ҳамқишлоғи бўлгани — унинг жонига ора кирди. Бўлмаса, худо кўрсатмасин, ҳозир у ёқда юрардими? Бугун қоқигулдек тўзғиганини пайқади. Ҳаммасига ўзи айбдор, нафсини тиёлмади. Тиёларди-ю, аммо бошқалар учун ишга кирмаган-да! Эсида трактор колоннасида механик эди. Ҳамма қатори қозони қайнади, уйида тинч эди. Ҳамқишлоғи қўшни туманга ДАН бошлиғи бўлди-ю, унинг орзулари жонланди, нима қипти, чизиғидан юрса бас. Бошлиқ айтгандек, арифметикадаги икки амални билса бас, нима кўп — баҳона, қоидабузар, фақат бетни қалин қилиш керак. Бугун биров бозордан, биров мозордан, яна биров йўлдан насибасини топаяпти. Шундайми, шундай. Кўкдан чалпак тушмаган.

Хуллас, орзуси ушалди. Буни қаранг, бир кам дунё экан — унга лойиқ мундир ҳадеганда топилмади. Шунда бошлиқ «жияни»га ўзининг эскисини берди. Суяги ҳали эт кўрмаган, гавдаси узунчоқлиги учун ҳам инспекторлик либосига анча кўниколмади. Бошидаги шапкаси шалпанг қулоғигача ботган, белидаги қайиши анча осилиб турар. Баъзан бу ҳолатга дуч келганда беҳос қоидани бузишарди ҳайдовчилар.

Қайси йили эсида йўқ, бир машинани тўхтатиб ўзини ҳайдовчига таништирди:

— ДАН ходими Лутфиевман, ҳужжатларингиз?..

Мўйловдор йигитнинг жаҳли чиқди.

— Эсингиз оққанми, ҳар ўтганда тўхтатаверасизми, ахир долянгизни олдингизку, Лўттиев, — деса бўладими? Ўшандан буён Лўттиев дейишади уни ҳамкасблари. Аҳмоқлар, аччиғи чиқади ҳам дейишмайдиёв.

Унисига-ку майли. Бир кун «тез ёрдам» машинасида кетаётган мухбирни дўхтир дегани-чи? Сал қолди гувоҳномасидан айрилишига. Эй, мактабда тил-адабиёт дарсидан қочиб юргани бугун панд беряпти-да! Хатсавод ўзига яраша, айрим ёзувларни фаҳмига етиши қийин.

— Дадаси, чақирган ким?

Раҳимахоннинг овози унинг хаёлларини бузди.

— Ғани чол қайтиш қилибди, — дея ичкари хонага кирди. Аҳён-аҳёнда киядиган кийимини эгнига илиб, ўзини ойнага солди: нима бало, кўзлари хонасидан чиқадими ўзи, лаблари сув кўрмагандек шўрлаган. Қулоғини ишқади, эҳ, кафтига сиғмайди. Мелисалик кийимида, бу қусурларини пайқамаскан-да-а? Қизиқ, ойнада одам шунақа ҳам совуқ кўринадими ё?

Яна этининг қаеридадир азобни сезгандек бўлди. Ахир, ҳали қирқ бешга бормай, танида оғриқни кўрса, ачинаркансан киши. Баъзан йигирма тўрт соатлаб чорраҳада турганда оғзига кучи етмаганлар: «Кўп нарсани сендан ясаса бўларканда ука», дейишганда унинг маъносини тушунмагани алам қилади ҳозир. Асли исми Ҳалим бўлсада, уни ҳамма Сўраболди деб аташгани-чи? Ахир, у ҳеч кимнинг чўнтагига қўл солмаган, кам бўлса, озгина қўш, деган холос. Баъзан чув тушгани ҳам бўлган. Ҳув катта йўлнинг четидаги толга тезликни меъёрловчи белгини илиб қўйганда анча «лой» ишлагани ва прокуратура ходими чангалидан аранг қутулганини «амаки»сидан бошқалар билмаса керак-ов?!

Ойнадан ўпкалаган Лутфиев хотинининг қистови билан эгнига қора чопонини илди.

— Мана, энди ўзимизнинг қишлоқ одами бўлдингиз, ўртоқ старшина,— деди аёли эрининг чеҳраси ёришармикан деган хаёлга бориб. — Ахир, таъзияга тўн кийиб бориш ҳам ўтганлар руҳига ҳурмат, дадаси.

Лутфиев тобут ортидан бораркан, одамлар кўзидаги айрилиқ ёшини кўрса ҳам кўнгли бўшамади. Чунки унинг дийдаси тош қотганига анча бўлганди. Хаёлида Ғани отанинг танбеҳи гавдаланди: «Сен бола, ўнта панжангни оғзингга тиқяпсан. Элнинг қарғишидан қўрқсанг бўларди. Бундай қишлоққа қўшилиб юр, оёғинг остида ер борлигини унутма!» Ўшанда чолдан аламини олай деса, на унинг, на бирор қариндошининг машинаси бор. Бобой эшакда Боғистонга — бозорга борар, Сўраболдига кўзи тушса, эшакни нихтарди. Лутфиевнинг хуноби ошганча қоларди.

Ғани отани тупроққа топширишгач кимдир: оқсоқол қандай инсон эди, деди. Шунда ҳамма: диёнатли инсон эди, дейишди. Қабристондан қайтишда ҳеч ким Лутфиевга эътибор бермади. Элдан чиққанини энди пайқаган Сўраболди оёғига оғир нарса бойлангандек зўр-базўр одимларди...

*Даврон БАҲРОНОВ*




## Ғайри оддий учрашув

*Москвага ишчи ташрифи билан келган Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзэнь Цзэминь ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ғайри оддий учрашув ўтказиш учун Россия раҳбарининг Новоогарево қароргоҳига равона бўлишди. Ушбу учрашув давомида Россия ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни икки томон ўртасида бундан икки ярим йил аввал тенг ва ишончли ҳамкорлик олиб бориш ҳақидаги қарорни ҳисобга олиб давом эттириш юзасидан келишиб олдилар. Улар XXI асрга мўлжалланган ўзаро ҳаракат дастурини белгилашди. Хитой раҳбари давлат думаси раиси Геннадий Селезнёв ва Федерация кенгаши раиси Егорь Строев билан ҳам учрашди. Бундан ташқари хитойлик меҳмон Россия Бош вазири Евгений Примаков билан учрашиб, Хитой — Россия ҳамкорлигининг аниқ масалаларини муҳокама қилди. Москвадан хабар қилишларича, куни кеча яна Ельциннинг тоби қочиб, шифохонага ётқизилган. Хитой раҳбари эса уни кўргани касалхонага борди.*

## Ироқ Батлерни айблади

Бағдод БМТнинг Ироқ оммавий қирғин қуролларини бартараф этиш бўйича махсус комиссияси раҳбари Ричард Батлерни кескин танқид қилди. Гўёки Батлер Қўшма Штатлар томонидан Ироққа қарши ҳарбий зарба берилишига йўл очаётган эмиш. Бундан ташқари Батлер Хавфсизлик Кенгашида Ироққа қарши қўлланилаётган иқтисодий жазо чоралари бекор қилинишига қарши чиқмоқда. Ироқ Бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз куни кеча Бағдодда БМТ махсус комиссияси раҳбариятининг бу хатти-ҳаракатлари фақатгина Қўшма Штатларга қўл келмоқда, деди. Ричард Батлер Ироқдаги биологик ва кимёвий қуролларни бунёд этиш режасига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилмоқда. Ироқ ташқи ишлар вазири Саид ал Сахав эса Бағдод инспекторларига барча тегишли маълумотларни ва ҳужжатларни аллақачон тақдим этган, деди. Батлер талаб қилаётган ҳужжатларга келсак, булар унинг ўзи ўйлаб чиқарган гаплар. Тариқ Азиз Батлернинг талабини ўтакетган сурбетлик деб баҳолади ва унинг бу ҳаракати Американинг янги босқинига йўл очишдан бошқа нарса эмас, деб қўшиб қўйди.

## Ҳушёрликка даъват

***АҚШ Президенти Билл Клинтон Жанубий Кореяда турган америкалик ҳарбий хизматчиларни Корея Халқ Демократик Республикасидан чиқиши мумкин бўлган хавфдан огоҳлантириб, уларни ҳушёрликка даъват этди. Клинтон ушбу баёнотни икки Корея давлатини бирлаштириб турган ҳудуддан 12 километр нарида жойлашган Америка ҳарбий базасида туриб айтди. Умуман Жанубий Кореяда 37 минг америкалик ҳарбий хизматчи жойлашиб олган. Клинтон Шимолий Корея раҳбариятини қанотли ракеталар яратиш режасидан воз кечишга чақирди. Шунингдек, биологик ва кимёвий қуроллар ишлаб чиқаришни тўхтатиб, ядро қуролини тарқатмаслик юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришга даъват этди. Ваҳоланки, бир неча кун бурун Пхеньян америкалик экспертларни ўзининг ер ости объектларига киритишдан бош тортди. Бу жойларда Шимолий Корея ядро режаларини ишлаб чиқиш давом этаётганлиги тахмин қилинмоқда.***

## Ливанда байрам

Яқинда Ливан ўз мустақиллигининг 55 йиллигини нишонлади. Намойишлар, халқ сайиллари билан бошланган байрам тантаналари Ўрта ер денгизининг қирғоқларидан то баланд тоғларгача кўтарилди. Байрамнинг катта тантаналари Байрутда бўлиб ўтди. Бу ерда қўшин турларининг барчаси иштирокидаги намойиш бўлди. Номаълум аскар қабрига гул қўйиш маросими ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Қизиғи шундаки, яқингинада оғир касалликни бошидан кечирган Ливан Президенти Илёс Храуи байрамга раҳбарлик қилди. Президент ўз ваколати давомида сўнгги бор бундай намойишда иштирок этиши. Бинобарин, унинг президентлик муддати бугун якунланади. У тантанали вазиятда ўз лавозимини бундан бир ой аввал сайланган янги Президент — генерал Эмиль Лахудуга топширади. У илгари Ливан армиясининг бош қўмондони бўлганди.

## Ваколати узайтирилди

Иорданиянинг миллий кенгаши сўнгги шаҳзода Ҳасан Бин Талолнинг ваколатини узайтиришга қарор қилди. У Америка клиникаларидан бирида даволанаётган давлат раҳбари Қирол Ҳусайннинг вазифасини бажариб турибди. Кенгаш мажлиси қиролни даволаш тўрт ойдан кўпроқ давом этаётганлигини ҳисобга олиб ўтказилди. Зеро, Иордания Конституциясига биноан қирол ушбу муддатдан кўпроқ тахтда бўлмаслиги мумкин эмас.

## Машҳур санъаткорлар қарздор

Испаниянинг жаҳонга машҳур қўшиқчилари Монтсеррат Кабалье, Пласидо Доминго, Хосе Каррерас Германия солиқ хизмати томонидан Германия хазинасига ўзлари ушбу мамлакатдаги концертларда ишлаб топган маблағдан 7 миллион доллардан зиёд солиқни тўламаганликда айбланмоқда. Жаҳон опера саҳнасининг буюк хофизларидан бири Хосе Каррерас энг йирик суммадаги солиқни тўламаган. Бу Пласидо Доминго, шунингдек, италиялик қўшиқчи Лучано Паваротти ва «Уч тенор» гуруҳи билан ҳамкорликда Германиядаги концертларда иштирок этган эди. Хосе Каррерас Германия солиқ хизматининг маълумотларига кўра, 4,5 миллион долларни тўламаган эмиш.

## Ҳанжар ютган аёл

Томошаларда кўп кўрганмиз: машина «босади», оловда «ёнади». Хуллас, бу мураккаб трюклар ҳозир кўпчиликни лол қолдиролмайдиган бўп қолган. Пичоқ, умуман ўткир қуролларни «ютиш» барибир бироз ҳайратлидай.

Очиғи, мен шундай томошалардан ҳатто қўрқаман. Айниқса, хотин кишининг қилични гирбонидан ўтказишини бир тасаввур этиб кўринг-а?

Англиялик Лизбет Хедленд 25 йилдирки қилич «ютади».

— Тўғриси, бу «қилич» мени боқади, — дейди Лизбет хоним, — Мўмайгина пул ишлайман. Баъзан ўйлаб қоламан, агар шу ҳунарим бўлмаса ҳолим не кечарди. Бошқа бирор касб-корим йўқ, уқувим ҳам йўқ-ку, бошқа ишга.

Лизбет ўзининг ҳайратомуз чиқишлари билан бутун Европани кезиб чиқди. Бир сафар Стокгольмда ғалати воқеа рўй берди. Тиббиётчилар унинг қилич «ютиши»га ишонишмади: кўзбойлағичлик қиляпти, дея даъво қип қолишди. Томоша тугагач, Лизбет тиббиётчилар билан бирга шифохонага йўл олди. Рентген орқали шифокорлар унинг ошқозонида 76 сантиметрлик ўткир қилич тасвирини кўриб ҳанг-манг бўп қолишди.

— Улар мени огоҳлантиришди, — дея эслайди Хедленд, — Ҳаётим учун ўта ҳавфли ўйинни йиғиштиринг эмиш. Ҳечам қўшилмайман бу фикрга. Нега хавфли бўлсин, мен «ютиш» техникасини шунчалар аниқ бажараманки, бир қилчалик нари-бери «ютмайман».

Аёл ҳақдир. Балки тиббиётчиларнинг ҳадикидаям жон бордир. Ахир кўза кунда эмас, кунида синади-да. Ҳозирча ханжар ютгич аёлнинг чиқишлари катта қизиқиш уйғотяпти. 46 ёшли Лизбет хоним қилични ўзи айтгандай «қилдай» ютиб юрибди.

*Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади*



Берлин манзаралари

## Доя бўлиш осонмас

Мадагаскар ороллари туб аҳолиси орасида қизиқ урф-одат бор. Дунёга келажак чақалоққа доялик қилиш ўта шафқатсизликдай туюлади. Чунки доянинг тақдири кўз ёраётган аёлнинг ҳамда чақалоқнинг қисматига тенг шерик туради. Афсунгарлик илмидан хабардор доялар то чақалоқ ингалаб оламга жар солгунга қадар оғироёқ аёлнинг бошидан жилмайдилар. Тўғри, у бирор тиббий ёрдам бермаса-да, афсун ўқиб «қора руҳлар»ни қувлайди. Икки йўл орасидаги аёлнинг жонини «ҳимоя» қилади, иблисни чақалоққа ҳамла қилишдан асрайди. Хуллас, бор илми-сеҳрини ишга солади. Она гўдагини бағрига босган доянинг ҳурмат-иззатини жойига қўйишади. саватлаб гуруч, нон, жўжа, гўшт билан сийлашади. Айниқса, «қора кучлар» билан олишиб ҳориган дояни аввало иссиқ ғуслхона ва тўкин дастурхон кутади.

Лекин ҳаётда фожиалар ҳам рўй бериши мумкин. Агар фарзанд кутаётган она ва чақалоқ дунёдан кўз юмса-чи? Дояни шу заҳотиёқ тутиб ўлдиришар, марҳума билан бирга дафн этишаркан. Кейинги пайтда ҳукумат бу одатни назорат остига олди. Жилла қурса дояни ўлимдан асраб, бадарға қилиш.

Туб аҳоли орасида она-бола ўлими онда-сонда учрар, шунданам ғайри-табиий воқеадай қарашади. Қай маънодадир тиббий ходимлар ҳам шундай масъулият ҳиссини туйиб, доялик қилишаркан. Аборегенларга доя бўлиш осонмас.

# Саудия Арабистони хотиралари

## «Денгиз келини»

Арабистон ярим оролининг энг гўзал ва йирик шаҳарларидан бири Жидда. Шаҳар мамлакатнинг денгиз порти ҳисобланади. Икки миллиондан ортиқ аҳолиси бор. Ойнадек текис ва силлиқ асфальт кўчалар, кўм-кўк боғу-роғлар, хиёбон, ресторан, кафе, ошхоналарга сероб, тозалиги билан киши эътиборини тортади. Ҳаж ва умра амалларига келувчи миллион-миллион зиёратчи, сайёҳ ва меҳмонлар кўп бўлишига қарамай шаҳарда бирор нарсага навбат кутиб турилмайди, кеча-кундуз байрамлардагидек савдо расталари гавжум, тинимсиз автомашиналар ҳаракатига кўзингиз тушади, Айниқса, гўзал ва тароватли денгиз қирғоқларини айтмайсизми. Шўр, аммо тиниқ ва шаффоф денгиз сувида чўмилиш мумкин. Қирғоқ бўйлаб саёҳатда юрар экансиз, гўё тўйда, юргандек байрамона кайфиятда бўласиз. Шунинг учун бўлса керак Жиддани одамлар Қизил денгиз келини деб атайдилар.

## Сув тозалаш корхоналари

Арабистон ярим оролининг уч томони денгиз ва уммонлар билан ўралганига қарамай, сув танқислиги анчагина муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис Жидданинг денгиз қирғоқларида ўнлаб сув тозалаш корхоналари ишлаб туради. Олинган тоза сув ўн тонналик сув ташигич машиналарда кеча-кундуз Макка, Тоиф, Жидда ва бошқа шаҳарларга ташиб турилади. Ана шундай корхоналардан бирида бўлиб, шўр сувни тозалаш технологияси билан танишдик. Кунига икки юз кубометр сув тозалайдиган корхона нефть маҳсулотларидан ёқилғи сифатида фойдаланади. Шунча миқдордаги сув улкан аппаратларда буғлантирилади ва совутилади. Ундан ажратиб олинган туз сотилади. Мазкур корхонада иссиқликдан электр токи олиш учун фойдаланилади. Сув таннархи қимматга тушса-да (бир литр сув уч литр бензин нархига тенгдир) корхона ўзини оқлайди.

## Забаржат ороли

Қизил денгизда машҳур забаржат конига эга бўлган орол мавжуддир. Орол ўзига хос кўринишга эга бўлиб, у ердан қазиб олинувчи қимматбаҳо тош ҳам ўзига хос хусусият ва хоссаларга эгадир. У жаҳон бозорида юқори баҳода сотилади, турли тақинчоқлар ясашда, техник мақсадларда қўлланилади. Забаржат билан бир қаторда Қизил денгиз қаъридан ўнлаб хил турли-туман рангда товланувчи қимматбаҳо тошлар олинади. Айниқса, денгизни қизғиш рангга бўяб турувчи тошлар рангдорлиги билан ажралади. Шуниси ажабланарлики, денгиз ости тошларининг ҳаммаси ўта қаттиқлиги, мустаҳкам ва пишиқлиги билан ажралади. Ҳатто бир-бирига ёпишган тошларни ажратиш ҳам мушкул. Тошкентга эсдалик учун олиб келган турли рангда товланиб турган тошлар Жиддадан ҳикоя қилаётгандек туюлади. Зотан, бу тошлар неча минг йиллик мозийдан садо беради.

## «Денгиз масжиди»

Жидда қирғоқларининг бирида сувда қурилган улкан масжид савлат тўкиб турибди. Ўз кўриниши, тароватি, меъморчилигининг ўзига хослиги кўзга ташланади. Катта гумбазли бу масжидда ярми мингдан ортиқ киши намоз ўқийди, унинг темир қозиқлари устидаги йўлакларда юриб денгизни томоша қиламиз. Намозхонлар ва меҳмонлар денгиз суви буғларида нафас олиб астма, бот, ичак-ошқозон ва бошқа касалликларига даъво истаб юрганликларини ҳам кўрасиз. Масжид атрофида сузиб юрган майда балиқчалар, калмар, қисқичбақа, чиғаноқ ва тош кемирувчи жониворлар томошабинлар диққатини ўзига жалб қилади.

## Ўзбек таомларини ейсиз

Жиддадаги ошхоналарда ўзбекча миллий овқатлар тайёрланади. «Мадина» ресторанида, «Жидда» кафеси ва бошқа жойларда ўзбек палови, мошхўрда, мазали патир нонларимиз, майиз-ёнғоқларимиздан тановвул қилдик. Ўзбек олимлари, шаҳар ва қишлоқлари номи билан юритиладиган дўкон ва бошқа савдо шаҳобчаларини кўрганингизда фахрланасиз. Жиддада яшовчи ватандошларимиз билан қилган суҳбат ва йиғилишларимиз бир умрга эсда қолади. Жиддадан ширин хотиралар билан қайтасиз.

*Қудрат ҳожи АҲМЕРОВ, кимёгар, профессор*

*Янги алифбони ўрганайлик*

# Истиқлол алифбоси ва имлосига доир

Республикамиз мустақилликка эришгач, истиқлол мамлакатимиз куч-қудратини, обрў-эътиборини кўтариш ва республикамизнинг ҳар тарафлама камол топиши учун қулай шароитни яратиш мақсадида 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Орадан йигирма ой ўтгач, 1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан мазкур Қонунга айрим ўзгартишлар киритилди. Жумладан, 1-модда (банд) даги «31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан» сўзлари «26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан» сўзлари билан алмаштирилди. Ҳамда «Ц ц» ва «Ж ж» (Сирғалувчи ундошни ифодаловчи) ҳарфлари мустақил ҳарф белгиси сифатида алифбодан чиқарилди; «ш», «ч», «нг» — ҳарфлар бирикмаси билан алмаштирилди; «ў» ва «ғ» ҳарфларининг босма бош (катта) ва кичик шакллари; «А а», «И и», «Г г», «Ғ ғ» ҳарфларининг ёзма бош шакллари; «З з»нинг ёзма бош ва кичик шакллари; «Қ қ»нинг ёзма кичик шакли ўзгартирилди. Шунингдек, лотин ёзувига босқичма-босқич ўтиш муддати 2000 йилдан 2005 йилгача (2005 йилнинг 2 сентябригача) узайтирилди. Олий Мажлис қарорига кўра 1996/97 ўқув йили (2 сентябри)дан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида ва мактабгача тарбия болалар муассасаларида янги ўзбек лотин алифбоси ва имлосида машғулотлар ўтказила бошланди. 1998/99 ўқув йилидан эътиборан уч йил (синф) ўзбек кирилл (рус) ёзувида ўқиганлар ҳам, I—IV синфларда ўзбек кирилл (рус) алифбосида ўқиганлар ҳам тўртинчи ва бешинчи синфларда янги ўзбек лотин алифбосида дарс (машғулот) ларни бошладилар. Қолган синфларда эса факультатив (ихтиёрий) машғулотлар ташкил этилади. Булар кенг кўламда олиб бориладиган масъулиятли ишлардан бўлиб, олдимизда алифбодан тортиб, қомус (энциклопедия) гача ҳамма-ҳаммасини қайта чоп этиш, лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек миллий ёзувимизни ёшу-қарига ўргатиш ва ўқитишнинг энг самарали метод ва усулларини топиш ҳамда уларни амалга ошириш каби долзарб вазифаси турибди. Бироқ ушбу йўлда қанчалик иқтисодий, техникавий ва бошқа қийинчиликлар бўлмасин, амалга оширишимиз, жиддий ишга киришишимиз мақсадга мувофиқдир. Маълумки, қайси тил янги алифбони қабул қилса, шу алифбо асосида тилнинг асосий имло қоидалари яратилишини тақозо этади. Юқоридаги Қонунни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 1995 йилнинг 24 августида «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тасдиқланди (82 бандлик). Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари,

1

Vatanni sevmak iymondandur!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998-yil 26-noyabr, payshanba № 141 (24.378).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, оммавий ахборот воситалари лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги барча турдаги ёзишмаларда, матбуотда, иш юритишда ушбу қоидаларни жорий қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳамда ЎзР ФА, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат Матбуот қўмитаси уч ой муддат ичида мактаблар учун қўлланма сифатида ўзбек тилининг имло луғатини (Бу луғат профессорлар Шавкат Раҳматуллаев ва Азим Ҳожиев томонидан тузилиб, 1995 йилда ҳамда С. Ризаев томонидан «Имло ва талаффуз луғати» тузилиб, «Ўқитувчи» нашриётида 1998 йилда чоп этилди), киши исмлари ва жой номларининг луғатларини тайёрлашлари ва нашр этиш чораларини кўришлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Таассуфлар бўлсинки, бу қарорга кўп жойларда етарли эътибор берилмаяпти. Вақт эса ўтиб боряпти. Алифбо масаласини компьютер билан боғлаш бениҳоя муҳимдир. Чунки инсон ва компьютер учун зарур бўлган барча ҳарфлар, турли тиниш (пунктуацион) белгилари, риёзиёт ва махсус белгилар компьютерга киритилган ва уларнинг ҳар бири ўз ўрни (коди)га эга бўлиб, бу ҳарф ва белгиларнинг сони техник нуқтаи назаридан 256 тага тенг қилиб олинганлигини, уларнинг кодлари жадвали жаҳон халқлари учун ягона тизим сифатида қабул қилинганлигини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги ҳолатларни компьютер билан мулоқотда бўлмаганлар учун тушуниш мушкулроқ бўлиши мумкин. Аммо бирор матнни компьютерда териб кўрганлар учун ўзбек кириллча «Ў ў», «Қ қ», «Ғ ғ», «Ҳ ҳ» ҳарфлари билан боғлиқ баъзи қийинчиликлар ёки англашилмовчиликлар мавжуд. Ана шу ҳарфлар учун кодлар жадвалидан саккизта белгини «сиқиб» чиқаришдан ўзга чора йўқ эди. Бунинг устига бу ҳарфларни ёзиш имконини берувчи махсус дастур-драйверлар муаммонинг тўлиқ ечими бўла олмаслиги шак-шубҳасиздир. Сўнгги ўзгаришлар билан қабул қилинган алифбомизда шаклан лотин алифбосидаги ҳарфлардан фарқ қилувчи бирорта ҳарфнинг йўқлиги мавжуд 256 ҳарф, белгиларнинг на ўзини ва на ўрни (коди)ни ўзгартирмаслик имконини беради. Бинобарин бир сўз билан айтганда янги ўрнатилган компьютер учун энди юқорида айтилганга ўхшаш ҳеч қандай драйвернинг мутлақо кераги йўқ. Янги ўзбек лотин алифбоси ҳарфлари билан компьютерда ишлаш жараёнида «ўтиш белгиси»дан фойдаланиш жуда катта қулайлик яратади. Маълумки, «ўтиш белгиси»нинг коди 96 бўлиб, компьютер клавиатурасида унинг ўз ўрни бор. Чунончи, «Ғ ғ» ҳарфини янги ўзбек лотин алифбосида ифода этиш учун клавиатурадан аввал «G» ҳарфи, сўнгра «'» — ўтиш белгиси терилади. Ҳарф ва белги бирикмаси юқоридаги товуш (ҳарф)ни, яъни «Ғ ғ»ни ифода этиш имконини беради. Бу бирикмани бир тугма билан киритиш қулай эмас. Бу бирикмани битта ҳарфга бирлаштириш қабул қилинган тизимдан бирор ҳарф ёки белгининг чиқариб ташланишига мажбур бўламиз. Қолаверса, аввалги «Ў ў, Қ қ, Ғ ғ, Ҳ ҳ» ҳарфларини киритиш учун ҳам клавиатурадаги камида икки тугмани босиш керак бўлар эди. Шаклан янги ҳарф киритишнинг яна бир ноқулайлиги шундаки, бу ҳарф учун клавиатурада ҳам ўрин излаш керак бўлади, яъни мавжуд бирор ҳарфни ўчириб, устига қўпол қилиб янгисини ёзиш зарурияти туғилади. Масаланинг яна иқтисодий томонига қайтишга мажбурмиз. Ҳаммамизга маълумки, ёзув машинкаларини «ўзбекчалаштириш» учун «ортиқча» рус ҳарфи ёки белгилари ўрнига етишмаётган «Ў ў, Қ қ, Ғ ғ, Ҳ ҳ» ҳарфлари жойлаштирилар эди. Натижада бундай машинкада рус тилидаги матнни ёзиш имконияти йўқолар эди. Англашиладики, лотин ёзувига мўлжалланган ҳар бир машинкадаги бундай ўзгартиришлар озмунча маблағ талаб этадими?!? Бунинг устига соф инглиз тилида мактуб ёзмоқчи бўлсак-чи?!? Шуни ҳам эслаб ўтиш жоизки, илғор чет эл мамлакатларида механик ёзув машинкалари ўз ўрнини электрон ёзув машинкаларига бўшатиб берди. Электрон ёзув машинкаларига янги ҳарфни киритиш эса миллионлаб долларни талаб этади. Бинобарин, юқоридаги биргина «ўтиш белгиси» ёрдамида миллионларни тежаш имкониятига эга бўламиз. Ҳар қандай сўзни тўғри талаффуз этиш ва тўғри ёзиш саводхонлик белгисидир. Исм ва фамилияларнинг талаффузи ва ёзилишига жиддий эътибор берилиши керак. Умуман олганда, бир ҳарф (белги)га икки товуш вазифасининг юкланиши ёки бир товушга икки ва ундан ортиқ ҳарф (белги) нинг олиниши мақсадга мувофиқ эмас. Шуни ҳам эслаб ўтиш жоизки, ҳозирги даврда жаҳоннинг етмишдан зиёд халқи

2

ёки аҳолининг ўттиз фоизи лотин ёзуви асосида юзага келган алифбодан фойдаланади. Буларнинг қарийб барчасида «С с» ҳарфи мавжуд бўлгани ҳолда 1995 йил 6 майдаги ўзгартишдан сўнг янги алифбомизда мазкур ҳарф мустақил ҳарф белгиси сифатида алифбодан чиқариб ташланди. Бироқ негадир «Ч ч» товуши учун «Ch ch» ҳарфлар бирикмаси қабул қилинган. Алифбода йўқ ҳарф (белги) дан «ҳарфлар бирикмаси» тилга олинганлиги чуқурроқ мулоҳаза юритишни тақозо этади, албатта. Умуман, ҳарфлар бирикмасини у ёки бу алифбо ҳарфлари сирасига киритилиши шартмикин?! Жаҳонда энг кенг тарқалган инглиз тили бунга яққол мисол бўла олади-ку!!! Лотин ёзувига асосланган инглиз тили алифбосидаги ҳарфлар ўша инглиз тилидаги барча товушлар (44 та товуш!) учун етарли бўлиб келаётганлиги сир эмас.

Янги ўзбек лотин алифбомиз асосидаги ёзувимизда айрим сўзлар таркибидаги ёндош «сҳ»нинг ўқилишида ноқулайликлар бўлиши мумкин: «Исҳоқ», «масҳ», «асҳоб», «масҳуб», «мусҳаб», «тасҳиҳ», «асҳал» каби сўзларнинг лотинча ўзбек алифбосида ёзилишида мажбуран «с» (s) ,билан «ҳ»(h) орасига тутуқ белгиси (апостроф)нинг албатта қўйилиши, шунингдек, «мўътадил, мўътабар, мўъжиза, мўъжаз» каби сўзларнинг янги ўзбек имло қоидасига кўра ёзилишида тутуқ белгиси қўйилмаслигининг ҳам қоидалаштирилганлиги ўқувчиларимизни чалғитиши, иккилантириши мумкин. Бироқ барибир янги имло қоидаларига риоя қилиниши зарур. Янги ўзбек лотин алифбоси ва имлосини ўрганиш машғулотларида айниқса, кириллчадаги «е» ва «э», «ё», «ю», «я» ҳарфларининг янги алифбода ёзилиши ҳамда бир товушни ифодаловчи «sh», «ch», «ng» ҳарфлар бирикмалари кабилар юзасидан алоҳида-алоҳида амалий машқларни мунтазам ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқдир. Худди шунингдек, ўзбек кирилл ёзувимиздаги «Ц ц» товуши (ҳарфи)нинг янги ўзбек лотин ёзувида ифодаланиши бўйича ҳам (яъни қачон «s» ёзилади-ю, қачон «ts» ёзилади?) алоҳида машқлар ўтказиб турилиши керак. Булар қуйидагича ёзилади. Биринчидан — сўз бошида, сўз охирида, ундош товуш (ҳарф)дан ҳамда олд қўшимча (префикс) дан кейин «s» ёзилади. Масалан: silindr (цилиндр), sirk (цирк); sement (цемент), sentner (центнер); shpris (шприц), abzas (абзац); kvars (кварц), Barens (Баренц); aksioner (акционер); rezidensiya (резиденция); proporsiya (пропорция); dezinfeksiya (дезинфекция); antisiklon (антициклон); telesentr (телецентр); episentr (эпицентр) каби. Иккинчидан, кириллчадаги «ц» ундоши икки унли товуш (ҳарф) ўртасида келса, у ҳолда янги ўзбек лотин ёзувида «ts» тарзида ифодаланади. Масалан, ofitser (офицер), konstitutsiya (конституция), radiatsiya (радиация), deklomatsiya (декломация), mexanizatsya (механизация) каби; «ts»ли сўзлар бўғинга бўлинганда «ts» ажратиб ёзилади: ofit-ser, konstitut-siya каби. Шунингдек, сўз бошида ёки сўз ўртасида қўлланадиган «сц» ўрнида янги ўзбек лотин ёзувида «ss» ифодаланади: ssenariy (сценарий), inssenirovka (инсценировка) каби.

Республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар киритилгани (1995, 6.V)га уч ярим йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳамон эскича (1993, 2. IX) ёзишмалар, хато ва чалкашликларга бефарқ қараб келинмоқда. Буларга доир нафақат узоқ вилоят ва туманларимизда, балки пойтахтимиздаги ташкилот ва муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари номлари ва айниқса, қатор нуфузли маҳкамалар, хусусий дўконлар пештахталаридаги имловий жиҳатдан хато ва чалкаш ёзилган лавҳаларнинг гувоҳи бўласиз. Ёзувларимиздаги хатолар асосан, «е, ё, ю, я, ц, й, ҳ, х, э, ш, ч» ҳарфларининг ўзбек лотинча ёзилишида учрамоқда. Бундай ҳолатларга туман, шаҳар ёки вилоят ҳокимиятидаги мутасадди ходимларгина эмас, балки республикамизнинг барча зиёлилари жиддий муносабатда бўлишлари, масъулият билан ёндошишлари мақсадга мувофиқдир.

Истиқлол Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳримизнинг ҳар тарафлама намунали, маданий, маънавий-маърифий маркази бўлишига алоҳида диққат-эътибор қаратишимиз айни муддаодир.

***Суннатулла РИЗАЕВ,***
***Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг доценти, филология фанлари номзоди***

3

# Прокурор атамаси ёки ҳуқуқий ҳимоя




Фуқаролик жамияти деганда, аввало ҳуқуқий жамият тушунилади. Ҳар бир фуқаро, яъни мамлакат аҳолиси бу жамиятда биринчи навбатда ўзининг ҳуқуқини билмоғи шарт. Ўз ҳуқуқини билмаган шахс жамият, мамлакат қонуниятларини англаши мушкул. Хўш, ҳуқуқни ўрганишнинг осон йўли борми? Бор. Қонунчиликдаги инсон ҳуқуқлари матбуотда, халқ тилида, яъни содда ва равон қилиб ёритиб борилиши лозим. Ўқимишли, мухлисини ўзига жалб қилувчи мақолалар киши онгига тез сингади. «Ёзувчи» нашриёти яқинда Бермингем, Оксфорд ва Будапешт университетларида малака оширишга муваффақ бўлган ҳуқуқшунос Гулчеҳра Маткаримованинг «Аввало инсон...» китобини чоп этди. Китоб оммавий нашр бўлиб, барчага мўлжалланган. Ўқимишли, мулоҳазалар самимий, энг муҳими расмиятчиликдан йироқ.

«Ўлим жазоси» мақоласини ўқиб, бу жазонинг қачон, қаерда биринчи марта қўлланганлиги, бекор қилиниш сабаблари ва қайта жорий этилиши талабларини англаб оласиз. Мақола кенг илмли, фикри теран муаллифники эканлигини биласиз. Собиқ шўролар даврида ҳам большевиклар аҳолини ўзига қаратиш мақсадида 1917 йил 26 октябрда ўлим жазосини бекор қилади. Ягона ҳукмронлик ўрнатилгач, яъни 1918 йил 21 февралда қайта жорий этади. Шу каби маълумотлар батафсил тафсилотлар билан китобда акс этган.

## Китоб — илм манбаи

«Ёлланган қотиллик» мақоласида эса жаҳон аренасида ўзининг муносиб ўрнига эга №1 киллерлар ҳақида ҳикоя қилинади. Уларнинг ҳаракатлари ўлим билан тугаши, ҳаётда изсиз кетиши аниқ ҳужжатлар билан ёритилган. Биз ҳаётимизнинг осойишта ўтаётганини кўрамиз-у, бу осойишталикни таъминлаётганлар ҳақида ўйламаймиз. Масалан ўтган йили Тошкент шаҳрида Озарбойжон фуқароси Рашид Исмоиловнинг қўлга олинганлиги, ҳибсга олиш пайтида отишма ҳам бўлганини биламизми? Йўқ! Шундай қилиб киллер — мутахассис қотил қўлга олинди. Аҳоли тинчлиги сақланди. Бу каби маълумотлар ҳам китобдан ўрин олган.

Китобда Афлотуннинг: «Қонунлари писанд этилмайдиган ва кимнингдир измига бўйсиндирилган давлатнинг ҳалокатга учрашига менинг имоним комил...» каби фикрлари, Арастунинг: «Қонунлар устуворлигини талаб этган кимса, демак, фақат илоҳийлик ва ақл-фаросат ҳукмронлигини талаб этган бўлади» каби шарҳлари ҳам ўрин олганки, ўқувчи илмини шакллантиришда, ривожлантиришда муҳим манба бўла олади.

«Прокурор» атамасини кўп қўллаймиз. Аммо маъносини ҳамма ҳам билавермайди. Прокурор халқ ҳимоячиси деймиз. Гўё буни ўзимиз тўқигандек.. Аслида ҳам шундай. Китобдаги «Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» мақоласида «Прокурор» атамаси лотинча сўз бўлиб «ғамхўрлик қилувчи» деган маънони англатади, дейилган. Конституцияда: «давлат ҳокимиятининг манбаи халқдир» жумласи бор. Шундай экан прокурор қонун асосида халқни ҳимоя қилади. Халққа ғамхўрлик қилади. Қонунчиликнинг тўғри бажарилиши биринчи навбатда суд, прокуратура ходимларига боғлиқ. Муаллиф ушбу масалаларда атрофлича фикр юритади.

«Оқловчилик кўҳна илм» мақоласида муаллиф адвокат, яъни оқловчининг асл моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Адвокат атамаси юнонча бўлиб, «ҳамҳакам», «қўшилиб сўзловчи» маъноларини берса, лотинчада «табиатдан мойил» дегани экан. Табиатдан мойиллик эрамиздан олдинги асрда ҳам катта кучга эга бўлган. Рим салтанати уларга жуда катта миқдорда хизмат ҳаққи тўлаган. Уларнинг вазифалари ҳам суд жараёнида муҳим ўрин тутган. Китобни оддий ўқувчи ҳам, мутахассис ҳам ўқиса манфаат кўрса кўрадики, зиён кўрмайди.

Аёлларга бағишланган алоҳида боблар ҳам ўз ўқувчисини топа олишига ишонамиз. Умуман мана шундай китобларнинг чиқарилиши, оммавий ахборот воситаларида аҳолига таништириш ўта муҳим.

***Юсуф ЖЎРАЕВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***

## Латифалар

*Бир эркак ҳаммомдан чиққач, ресторанга кириб 99 крушка пиво буюрибди. Ажабланган официантка сўради:*
*— Нега юзта эмас?*
*— Нима, мен ҳўкизманми?*

* * *

*Ёш парашютчи илк бор самолётдан сакради. Мамнун учиб тушаяпти.*
*— Уни қара, буни қара, қандай маза! Осмон гумбази кўм-кўк, пастда ўтлар яшил. Одамлар эса кичкина, худди чумолидай-а!*
*Бирдан йўриқчининг овози янгради:*
*— Халқани торт, аҳмоқ, улар чумолининг ўзи-ку!*

* * *

*Ишхонада кекса яҳудий вафот этди. Бошқа бир кекса яҳудийни марҳумнинг хотинини бу хабардан огоҳ этишга ва юпатишга юборишди. У айтилган манзилга келиб, хонадон қўнғироғини босди.*
*— Авф этасиз, Рабиновичнинг беваси шу ерда яшайдими?*
*— Кечирасиз мен бева эмасман.*
*— Баҳслашамизми?..*

**Абонементни тўғри тўлдирганингизни текширинг!**

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

*Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.*

*Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги ҳақида квитанция берилади.*

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛГА ОБУНА БЎЛГАНИНГИЗДА ЁКИ МАНЗИЛГОҲ ЎЗГАРИШИНИ РАСМИЙЛАШТИРГАНИНГИЗДА КАРТОЧКАЛАРНИ СИЁҲ БИЛАН, АНИҚ ВА СЎЗЛАРНИ ҚИСҚАРТИРМАСДАН ЖАДВАЛДАГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИБ ТЎЛДИРИНГ.

**ТАШКИЛОТ**

*«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.*

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: *Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.*
Телефон: 54-56-11. Факс: 54-49-11 Пейжер: (067) 90-79

«Лазизбек» хусусий корхонасининг штампи ва муҳри туширилган ишонч қоғозлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ҳамда улар корхона раҳбари Анварбек Ғозибекович Мусабековнинг паспорти кўрсатилмагунча ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

**ЯНГИЙЎЛ «ЛАЗЗАТ АПКО» ҚАНДОЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ**

*Қандолат маҳсулотлари ҳамда хамиртурушни улгуржи*

**СОТАДИ**

*Шунингдек, акционерлик жамияти янчилган какао, озуқа содаси ва ўрамли (пергамент) қоғозни кўплаб миқдорда*

**СОТИБ ОЛАДИ**

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

*Бизнинг манзил: Янгийўл шаҳри, Лаззат кўчаси, 1а.*

*Телефонлар:* (37160) 2-69-44, 2-69-45, 2-69-10.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси нашриёт матн кўчирувчиси Машкура Ниёзовага онаси **Иқбор АБДУХОЛИҚ қизининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Саврон Жавлоновга ўғли **РУСТАМЖОНнинг** бевақт вафоти муносабати билан қариндош-уруғлари, дўстлари, ҳамкасблари чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**
*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс — 133-38-55, 133-54-55*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 133-76-04;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ,* навбатчи *Баҳтиёр АБДУСАТТОРОВ*

*Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0484

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.30*
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА